



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 6 август, шанба

№ 63 (11.762)

Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг



14 йиллиги

МИЛЛАТИМИЗ СОҒЛОМ, АВЛОДИМИЗ БАРКАМОЛ

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқиб келаётган ёш авлодини нафақат маънавий етук, балки, жисмонан бакуват этиб тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Мактаблардаги спорт тўғрисидаги спорт олимпиадаларининг сони ошди, ёш олимпиячиларни тайёрлаш билан машғул мураббийларни хар томонлама рағбатлантириш йўлга қўйилди, ота-оналар ҳам фарзандлари саломатлигига жиддий аҳамият бера бошладилар.

Натижада, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати кенг қўл очилди. Янгидан-янги мусобақалар ташкил этилиб, унинг кашфиётлари терма жамоаларимиз сафини тўлдирди бошланди. Ҳалаба ва муваффақиятлар ҳам узок куттириб қўйилди. Ватандошларимиз, ўзбек ўғил-қизларининг ҳалқро майдонлардаги тантанали олимпиядага одаланиб қолиши. 1994

йили Хиросима шаҳрида ўтган XII Осиё ўйинларида футболчиларимиз чемпион бўлганларида, кўларимиз ёшга тўлган, 1997 йилда Лиллехаммерда кечган киши Олимпиадада Фристайлчи миз Лина Черязованинг олтин медални кўлга киритиши жаҳон ахлини ҳам хайратга солди.

Шу тарихи ўзбекистонлик спортчилар сайёрамизнинг энг йирик мусобақаси — Олимпиада ўйинларида мустақам мавқега эга бўлишди. «Сидней — 2000»да Мухаммадқодир Абдуллаев, «Афина — 2004»да эса Александр Доктуровлар ҳамда Артур Таймазовлар оламшумул галабалари орқали ана шу обрўни янада юксалтиришди. Бу эса юртимизда олиб борилаётган спорт ислохотларининг нақадар тўғрилиги, ҳукуматимизнинг миллатни соғломлаштириш борасида таҳсинга лойиқ ишларни амалга ошираётганидан дарак беради. Ҳақиқатдан ҳам Президентимизнинг соғлом авлодни

Инсон ўзи шундай яралган. У доимо янгиликка интилади, нималарнидир кашф этиш илнжидида яшайди, комилликка етишишни орзу қилади. Ана шу мақсад йўлида у ақлий ва жисмоний салоҳиятини ишга солади.

юзага чиқишига замин ҳозирлади.


ЁШ СПОРТЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо унинг вилоятимиздаги филиали томонидан амалга оширилган ишлар кўлами анча салмоқли бўляпти. Масалан, 2003 йилда вилоятда 3729 та спорт иншооти фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 3872 тага етди. Асосийси, чекка қишлоқларда ва маҳаллаларда бунёд этилаётган мажмуалар болаларнинг жисмоний камолотини ошириш, қолаверса, мураббийлар учун қўшимча иш жойларини ташкил этиш имконини бераёпти.

Дарвоқе, ёш спортчиларнинг келажақда қандай натижаларни кўлга киритиши уларни тарбия қилган мураббийларга ҳам боғлиқ. Шу боис вилоят малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти қошида махсус курслар ташкил этилиб, унда 1395 нафар жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари билан тарбия олишди. Айни пайтда улар вилоятнинг турли нукталаридаги иншоотларда тиришқоқ шогирдларига соҳа сир-асрорларидан сабоқ бераётган.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтда сабзавот ярмаркалари



МўЛ, САРХИЛ, АРЗОН

Ҳозир пойтахтдаги барча дехқон бозорларининг пештахталари сабзавот ва полиз маҳсулотлари, турли мева-чевалар билан тўлиб-тошган пайт. Шаҳарликлар бир томондан юзни қўриб, бирни танлаш имкониятига эга эканликларидан хурсанд бўлсалар, иккинчи томондан бундай тўкин-сочиллик учун бағри кенг, саҳий қалб дехқонлару боббон ва сохибқорлар хийматидан мамнунлар.

Шаҳар ахлининг қишлоқ меҳнатқашларини алқашлари беҳиз эмас. Ноз-неъмат бунёдкорлиги пойтахт бозорлари шундоқ ҳам сархил маҳсулотларга тўлиб-тошганлигига қарамай, шаҳарлик биродарларига

янада қўлай бўлиши учун ҳар йили август ойида мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, ярмаркалардаги ноз-неъматлар нархи дехқон бозорларидагига нисбатан бирмунча арзон.

Хусусан, вилоятимиз қишлоқ ҳўжалик қорхоналари бу йил ярмарка савдоларини асосан пойтахтнинг Миробод ва Бектемир туманлари деҳқон бозорлари ҳамда уларнинг аҳоли зич яшайдиган худудлардаги шаҳобчаларида ташкил этилди. Маҳсулотларнинг асарияти фермер ҳўжаликларига тегишли бўлса, бир қисми ширкат ҳўжаликларидан келтириб сотилаёпти.

Дарвоқе, бу йил ярмарка савдоларини ташкил этишга ўзгача ёндошилди. Аввало, ярмарка расталари учун бозор ёки унинг ёнидан мов ва қўлай жой танлаиб, махсус замонавий пештахталар ўрнатилиб, усти давло қилувчиларни қўвдан асрайдиган тарзда ёпилди. Қолаверса, ярмаркага фақат сархил маҳсулотлар келтириб сотилиши қатъий назорат остига олинди.

Масалан, бугун Миробод бозорига туташ Авлиё ота кўчасидаги ярмаркада ана шундай чиройли манзарани кузатиш мумкин. Бошдан-оёқ қийингина сотувчилар замонавий гўлдор сомонлар остидаги пештахталарда бемалол савдо қилишяпти. Улар учун қўлай бўлган шимна ётоқхоналар ҳам тайин. Автомашиналар учун кенг майдон тайёрланган. Пештахталарга кўз ташласангиз сархил мева, сабзавот ва полиз неъматларидан ташқари гўшт ва сўт маҳсулотлари, ҳатто, асалгача мавжуд. Булар Оққўрғон, Паркент, Тошкент, Чиноз, Янгийўл, Қибрай туманларидан келтирилган.

Ширкат ва фермер ҳўжаликларини вакилларининг таъкидлашларига қараганда, бу йилги сабзавот ярмаркалари ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги байрамига бағишлаб махсус ташкил этилган бўлиб, у 40 кун, яъни 1 августдан 10 сентябрга қадар давом этади. Маҳсулотлар сархил ва арзон бўлганлиги учун бозори чақон бўлиб, кунгача ўртача 50 тонна атрофида, шу кунгача эса, 200 тоннадан зиёд ноз-неъмат сотилди.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.
СУРАТЛАРДА: Миробод дехқон бозорига ташкил этилган ярмарка савдосидан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Муносабат

ҚОНУНЧИЛИКДА МУҲИМ ЯНГИЛИК

Жазо турининг энг қадимийси — ўлимга ҳукм этиш кўп асрлардан буйн деярли барча давлатларда қўллаб келинган. Жамият тараққий этиб, инсоний қадриятларнинг шаклланиши натижасида ўлим жазосининг аҳамияти ҳам ўзгарди. Шу боис унинг тарафдорлари сафи камайиб бормоқда. Жумладан, ўтган ўн йилликда хар йили ўртача уч давлот ўлим жазосини бекор қилган. Натижада 1990 йилдан бошлаб ўлим жазосини ўзининг жазо тизимидан бутунлай чиқариб ташлаган давлатлар 35 тага ошди.

Эндиликда ўзбекистон Республикаси ҳам мана шу мамлакатлар қаторига кириб бормоқда. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш мана шундай ниҳоятда муҳим инсонпарварлик қарори қабул қилинишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони яқин келажақда кучга киритилади. Бу даражага етиш жараёни, табиийки, осон бўлгани йўқ. Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг 30 дан ортик моддасида ўлим жазоси назарда тутилганди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бундай моддаларнинг сони 13 тага, орадан тўрт йил ўтиб, 8 тага қисқартирилди. Ниҳоят, 2001 йили қонунчилигимиздаги бундай моддалар 4 тагага камайtirилди. 2003 йилдан бошланган жиноят қонунчилигини эркинлаштириш жараёнида амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хозир фақат қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этгани учунгина ўлим жазоси сақланиб қолмоқда эди.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти олий қадрият дея эътироф қилган мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг бу борадаги қарашларини қатъий белгилаб олди. Президентимиз Олий Мақлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида, «суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал эълан қилмоқдамиз — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир», дея таъкидлаб ўтган эдилар. Эндиликда биз мана шу маррага етиб келганимизни бутун оламга мамнуният билан эълон қилмоқдамиз.

Бу тараққийнинг мантйий тақозоси эди. Чунки, биринчидан, БМТ мутахассислари олиб борган илмий изланишлар жиноятчиликнинг ўсиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини тасдиқлади. Иккинчидан, буни

амалиётда учраб турадиган суд хатоси омили билан изохлаш мумкин. Зеро, ўлим жазосини қўллаш давом этар экан, кўпича нотўғри чиқарилган ҳукмининг ижросини қайтаришнинг имкони бўлмағи қолади.


Жумладан, дунёнинг энг демократик давлатлари — АҚШ ҳамда Японияда инсон ҳуқуқлари ҳимояси қанчалик яқин йўлга қўйилган бўлмасин, ўлим жазосини нотўғри тайинлаш ҳолларига батамом чек қўйишнинг имкони бўлмай қолди. Масалан, АҚШнинг ўзида 1973 йилдан бери ҳукм қилинган жами маҳкумлардан 113 тасига нисбатан ўлим жазоси нотўғри тайинланганлиги сабабли бекор қилинган. Японияда ҳам шу каби ҳолатлар учраб туради.

Ҳолбуки, тирик жиноятчи — бошқалар учун ҳаётий сабоқ. Ўлим жазоси ижро этилган, жиноят ҳам, жиноятчи ҳам жамият эсидан тезда чиқиб кетади. Умрбод озодликдан маҳрум этиш — яъни шахснинг қолган умрини оиласи, яқинлари, умуман, бутун жамиятдан ажратилган ҳолда, доимий руҳий азобларда ўтказиш демакдир. Бу эса — бир зумда юз берадиган ўлим жазосидан анча машаққатлидир. Шунга қўра, умрбод озодликдан маҳрум этиш жиноятчи учун ўлим жазосига қараганда енгилроқ жазо эканлиги ҳақидаги қарашлар инкор этилади.

Шуларни анлаган ҳолда Ўзбекистон ўзининг жиноят қонунчилигидан ўлим жазосини аста-секин, босқичма-босқич сиқиб чиқарди.

Миллий жинойи қонунчилигимизда қисқа давр ичидида руй берган бундай катта ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган бу мақсади сари шахдам қадамлар билан келди. Бугунги амалиётда юз бераётган ўзгаришлар эса, бизнинг тўғри йўлни танлаганимиздан далолат бермоқда.

Мақсуд ҚУРБОНОВЕВ,
вилоят алия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиғи.



Айни вақтда эса, бутун мамлакатимиз қатори вилоятимиз фермерларининг энг асосий мақсадлари пахтачиликда ҳам баланд марраларни ишғол қилишдир. Бугун вилоятимизда фаолият юритаётган 8284 нафар фермер ҳўжаликларининг 6667 таси дехқончиликка, асосан, галла ва пахта етиштиришга ихтисослашган. Демак, асарият заминдорларимиз зиммасида давлат эҳтиёжлари учун қимматбахо хом ашё етказиш, шартнома мажбуриятларини бажаришдек улкан масъулият турибди. Бошланган август ойи эса, улар масъулиятини ўн чандон

ошириши шубҳасиз. Чунки, хозирги ўтаётган хар бир кун ганимат эканлигини, олтинга тенг лаҳзалар ҳосил тақдир ва сифатини ҳал этишда катта аҳамият сабоқ этишини чинакам дехқонга эслатиб ўтириш орқича. Бироқ, айни дамларда хотирижамликка берилиш, гўза парвариши ва агротехникасига бепарво муносабатда бўлиб, бу борада ҳўжакўрсин кайфиятда иш туттиш, суствашиликка йўл қўйиш бебаҳо имконларнинг бой берилишига олиб келишини ҳам унутмаслик керак.

Мақур фикрлар ақиндагина вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йилгилишида ҳам ўртага ташланиб, унинг теғрасида чуқур мунозаралар бўлиб ўтди. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда эканинг барваж ривожланиши, ҳосил салмогини ошириш учун муҳим шароитлар яратиш, бегона ўтларни йўқотиш, култивация, чилпиш, суғориш тадбирларини маромида ва сифатли ўтказиш, зараркунанда хашаротларга, хусусан, кўсақ қурти ва ўргимчаканга қарши кескин курашиш каби муҳим вазифаларда жиддий нуҳсонларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд. Вилоятимизнинг қатор

(Давоми 2-бетда).

Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой

ҲОСИЛ УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Яқинда матбуотда Ўзбекистон фермер ҳўжаликларининг мамлакатимизнинг барча фермерларига Мурожаатномаси эълон қилинди. Бунинг ҳеч иккиланмай жамиятнинг янги, замонавий ва истиқболли мулкдорларининг ўринли даявати сифатида қабул қилишига ҳақлимиз. Чунки, бугун мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора кенг қўл очиб, аграр тармоқнинг иқтисодий ривожланишида

ошириши шубҳасиз. Чунки, хозирги ўтаётган хар бир кун ганимат эканлигини, олтинга тенг лаҳзалар ҳосил тақдир ва сифатини ҳал этишда катта аҳамият сабоқ этишини чинакам дехқонга эслатиб ўтириш орқича. Бироқ, айни дамларда хотирижамликка берилиш, гўза парвариши ва агротехникасига бепарво муносабатда бўлиб, бу борада ҳўжакўрсин кайфиятда иш туттиш, суствашиликка йўл қўйиш бебаҳо имконларнинг бой берилишига олиб келишини ҳам унутмаслик керак.

Мақур фикрлар ақиндагина вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йилгилишида ҳам ўртага ташланиб, унинг теғрасида чуқур мунозаралар бўлиб ўтди. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда эканинг барваж ривожланиши, ҳосил салмогини ошириш учун муҳим шароитлар яратиш, бегона ўтларни йўқотиш, култивация, чилпиш, суғориш тадбирларини маромида ва сифатли ўтказиш, зараркунанда хашаротларга, хусусан, кўсақ қурти ва ўргимчаканга қарши кескин курашиш каби муҳим вазифаларда жиддий нуҳсонларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд. Вилоятимизнинг қатор

пахтакор туманларида бундай кечиктириб бўлмас масалаларга эътибор кучайтирилиб, барча зарурий чора-тадбирлар ишга солинмас экан, гўзда тўпланаётган ҳосил кўпайиш туғул, ҳатто мавжуд гул ва қўсақларнинг ҳам нобуд бўлиши ҳеч гап эмас.

Кувонари жихати, вилоятимизнинг қатор фермер ҳўжаликларини пахтачиликда ҳам бой тажриба орттириб бормоқдалар. Айни дамларда кўллаб фермерларимиз ўз тасарруфларидаги майдонлардаги эканинг ҳолати, унинг ҳосил йиғиш суръати

(Давоми 3-бетда).

Тадбир

Қутлуғ байрам олдидан

Мудоғога кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий қонғаша «Истиқболимиз тинчлик», «Миллий армия — тавонимиз, фахримиз» мавзуларида тадбир бўлиб ўтди.

Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси дастурида белгиланган тадбирларни бажариш масалаларига қаратилди.

Дастлаб, Юнусобод тумани болалар ижодиёти маркази «Сезам» гуруҳининг ёш ижодкорлари йилгиланган шўх-шодон рақс ва қўшиқлар билан қарши олишди. Шунингдек, республика техника амалии спорт маркази, Тошкент бирлашган техника мактаби, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Юнусобод ўқув-спорт техника шўхлибди ўқувчиларининг авиа, кема ва ракета моделлари кўргазмаси намоиши қилинди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

(Давоми 3-бетда).

Изчил ислохотлар йўлида

«Текширишга ҳаққимиз йўқ»

— дейишди ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари

Бугун юртимизда мустақил иш олиб бораётган, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хар бир киши Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонидан бениҳоя мамнун бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу Фармон тарихий воқеа бўлди. Текшир-текширлар, сарсонгарчилик ва қозғозликлардан бекор бўлган тадбиркорлар орқича ташвишлардан ҳоли бўлдилар.

Яқинда хонамга икки киши ки-

риб келди. Уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси вакили эканликларини айтишди ва қўлимга меиниғ устимдан ёзилган шикоят хатини тутқазди. Хатни ўқидим-у, унда айтилган хар бир сўз менга нисбатан бўҳтон эканлигини тушундим.

— Текшириш бўлса текширишда, бунга ўрганиб қолганимиз, — дедим. Улар эса мен кутган жавобнинг аксини айтишди.

— Президентимизнинг Фармонларини ўқимаган кўринасиз, — деди

(Давоми 2-бетда).

Вазиятга ҳолис баҳо

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги нотасига шарҳ

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасига Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилотида жойлашган Хонобод базасидан Америка ҳарбий континентини олиб чиқиб кетиш борасида йўланган нота Фарб мамлакатлари оммавий ахборот асослари учун умуман Америка-Ўзбекистон муносабатларининг аҳолини, жумладан, Ўзбекистон ҳукуматининг мақур қарорини шўх-шув билан муҳокама қилиш учун навбатдаги баҳона бўлди. Улар ўз материалларида турли-туман таҳминларини илгарти суриб, бу қарор учун асос бўлган сабабларни изохлашга уринмоқда.

Бугунги кунда хоржик матбуотида эълон қилинаётган мақолалар ва қатор тахлилчилар ҳамда сиёсий шарҳловчиларнинг баёнотлари назмунини шуни кўрсатмоқдаки, уларда асосан Хонободдан Америка континентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги Ўзбекистоннинг талаби гўв Андижондаги воқеалар тўғрисида АҚШ томонининг Ўзбекистон раҳбариятига ўтказган сиёсий тазйиқи билан боғлиқ, деган таҳмин илгарти сурилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатимиз худудидан Америка континентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарори тарихига оид маълумотларга асосланган ҳолда, вазиятга ҳолис қаралса, буларнинг барчаси воқеаларни атайлаб бузиб кўрсатишга, ҳамма нарсани остин-устун қилишга уриниш эканлиги аён бўлади. Чунки, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий ҳужжатларида бу ҳақда илгарти ҳам бир неча бор баён этилган.

(Давоми 2-бетда).

МИЛЛАТИМИЗ СОҒЛОМ, АВЛОДИМИЗ БАРКАМОЛ

Ўз навбатида шогирдлар ҳам устозлари юзини ерга қаратиб қўйишмапти. Биргина бекободлик ака-ука Аъзам, Фаррух ва Парвиз Абдумавлоновлар қайд этган натижаларнинг ўзидек сўзини эшитиб бўлиши мумкин. Улар турли халқаро мусобақаларда мустақил юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, шоша-шоша медаллар эгасига айланишди. Айниқса, Венгрияда ўтказилган «Санта-Клаус» турнирида уларнинг ҳар бири учтадан, жами тўққизта олтин медални қўлга киритишди. Хур ўзбекистоннинг соғлом фарзандлари эришган бу натижалар ҳақон ахлини яна бир бор лол қилдириши аниқ ҳақиқат.

Шу ўринда Президентимизнинг «Биз эккан истиқлол нихоллари бугун азим даракларга айланди. Улар кўзни қувонтириб, мана шундай тотли ҳосил бера бошладилар. Буларнинг толеи, бахту йибкили ҳали олдинда. Она ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажак буюкидир», деган маъноли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Дарҳақиқат, бугун озод ўлкамизнинг ҳар бир навиқрон фарзанди ўзгача мейр

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан парвариш этиляпти, соғлом турмуш тарзига кўникириб бориляпти. Келажак порлоқ юрт ўғлонини полвон бўлиб, Ватанига сунъичиқ, оиласига устун бўлишга ошқабди, дедик, бу эл хали Алломширу Мангубердиларнинг муносиб ворисларини тарбиялашдан тўхтамайди. Тавқидлаш керакки, вилоятимизда беллашуларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш баробарида замон талабига жавоб бермайдиган, қишда иситилмайдиган, ечиниш ва ювиниш хоналари таъмирталаб аҳолида бўлган спорт иншоотларидан буткул воз келишмоқда. Уларнинг ўрнини эса шинам ва ёруғ мажмуалар эгалламоқда. Болалар спортини ривожлантириш жағмагаримини вилоят филиали томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, Окжўрган, Охангарон, Куйичириқ туманлари ва Ангрэн шаҳрида давлат андозлари асосида ана шундай янги мажмуалар қад ростлади. Уларнинг ҳар бирида 250 нафаргача ўғил-қиз бадантарбия билан машғул.

Бу каби далиллардан қўлаб келтириш мумкин. Асосийси, вилоятдаги 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 57150 нафар

боланинг аксарияти спорт билан ҳамнафас.

СПОРТ — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Мустақиллик йилларида асос солинган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» ўғиллари ҳам мамлакатимиздаги оммавий спорт ҳаракатининг ажралмас қисми, таянч нуқтаси бўлиб қолди. Барча ёшдаги ўқувчи ва талабаларни қамраб олувчи мазкур мукамал тизимнинг рўйи замин ичра фақат ўзбекистондагина мавжуд эканлиги фахр-ифтихор туйғулариимизни янада кучайтиради.

Ана шу жараёнинг ўрта бўғини саналган «Баркамол авлод» мусобақаларининг навбатдагиси яқинда вилоятимизда бўлиб ўтгани барчага маълум. Ўзлаб ёшларнинг спорт оламини қадам кўйишларига туртки берган ва уларнинг банд бўлишга қанот бахш этган мазкур турнирнинг кўтаринки қафиятада ўтказилиши вилоятимиздаги спорт ҳаракатининг нақадар кенг қамровли эканлигини кўрсатганди.

Беллашулар чоғида Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежида қўлаб меҳмонлар, таниқли санъаткор ва спортчилар ташриф буюришди.

Улар ёшларнинг ғайрат-шижоат билан майдонга чиқаётганликларини кузатар эканлар, ҳаёжонли нигоҳларини яшира олмадилар. Айниқса, бокс бўйича икки қарра Осие чемпиони, Олимпиада ўғилларининг бронза медали соҳибари Рустам Саидовнинг самимиятига эътибор беринг:

— Давлат мадҳияси фақат икки шароитдагина ватандан ташқарида янграши мумкин — мамлакат раҳбари расмий ташриф билан ўзга юртга борганда ёки спортчи мусобақада ғолиб чиққанида. Айтмоқчиманки, спортда улкан галабаларни қўлга киритиш орқали хориз сажасини да байроғимизни банд кўтаришимиз, юртдошларимизга олам-олам қувонч улаштиришимиз мумкин. Бу ҳар бир спортчи зиммасидаги шарафли ва масъуляти вазифадир. Ўйлаيمانки, мана шундай аҳойиб мажмуаларда камол топаётган шогирдлар, албатта, бу фахрли юмушни шараф билан урдалашди.

Кези келганда Чирчиқ шаҳрининг нафақат кимёгарлар, балки спортчиларнинг ҳам сеvimли масканига айланган бораётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Олимпия заҳиралари коллежи ҳудудида бунёд этилган ва Марказий Осиеда ягона саналаётган улкан спорт манежи эса

Мустақилликнинг 14 йиллиги

чирчиқликлар фахрига айланган билан бир қаторда бўлажак чемпионларни вояга етказувчи даргоҳ бўлиб қолди. Бир вақтинг ўзида спортнинг саккиз тури билан шугулланиш имконини берувчи манежда, ҳатто, қўшни давлатлар вакиллари ҳам шартнома асосида тайёргарлик олиб бориляпти.

Чирчиқлик спортчиларнинг мамлакатимиз терма жамоаларидаги улуши ҳам салмоқли бўляпти. Масалан, 2004 йилги Олимпиада ўғилларида ушбу шартдан 12 нафар спортчи иштирок этган. Навбатдаги бахсларда уларнинг сони янада ошиши кутилмоқда.

Вилоятимиз спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам терма жамоаларимизга муносиб номзодларни етиштириб берган. Миллионлар ўғилни аталмиш футболга мухлислик қилувчилар Абдуқаҳор Маъруфалиев ҳамда Фарход Магомедовларнинг Осие ўғилларида чемпион бўлишганини ёки «Дўстлик» клубининг ўзбекистон биринчилиги ва кубогига зафар қўнганни яши эслашди. Бугунги кунда эса ёш икитдор эгалари — Илёс Зейтуллаев ва Александр Гейрихлар хориз майдонларида маҳорат кўрсатишляпти. Зейтуллаев Италиянинг «Реджина»да, Гейрих эса

Россиянинг ЦСКА жамоасида муваффақиятли қатнашиляпти. Ана шундай истеъдодли ўғилчиларга сабоқ бераётган Ангрэн футбол мактаби келажакда ҳам самарали фаолият юритишига ҳеч шубҳа йўқ.

Спортни тинчлик элчиси, дейишди. У барқарор бўлган масканда инсонлар фаровонлиқда, ўзаро ҳамкорлик ва дўстликда яшашди. Вилоятимизда ўнлаб миллат ва элат вакиллари ана шундай тинч-тотув, ўзаро манфаатли турмуш кечиришмоқда. Мавжуд спорт иншоотлари имкониятларидан оқилона фойдаланганликлар сабабли бу замин фарзандлари тўрт мучаси соғ, курашлару беллашуларда тобланган авлод мисол вояга етмоқда. Хур ва озод дийримиз тинчлигига дахл қилиб, уни ўз йўригини етказувчи бўлаётганлар ўзбек фарзандларининг куч тўла билаклари, алпоқмад келбатлари жаҳоншумул зафарларига гувоҳ бўлиб, миллатимизнинг соғлом, авлодимизнинг баркамоллиги, ҳалқимизнинг эса ҳеч қандам кам эмаслигига ишонч ҳосил қилса, не ажаб?

Шерзод ШУҲРАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Вазиятга ҳолис баҳо

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари парвозларини чеклашга доир қарорлар Андижондаги фожиали воқеалардан анча илгари, 2004 йил ўрталаридан бошлаб қабул қилинган. Шундай экан, Андижондаги фожиали воқеалар ва Хонободдан Америка контингенти олиб чиқиш кетиш талабини бир-бири билан боғлаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Хонобод аэродромини АҚШ Курролли кучларига Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар олиб бориш даврида қидирув-қутқарув ва гуманитар операцияларни амалга ошириш учун фойдаланишга бериш тўғрисидаги 2001 йил 7 октябрда имзоланган битим амалда ўз вазифасини ўтаб бўлганлигини тушуниш учун катта таҳлилчи бўлиш шарт эмас.

Мазкур битимнинг 18-моддасига кўра, у 1 йил мигрантга тузилган эди. Аммо томонлардан бири (Ўзбекистон ёки АҚШ) дипломатик каналлар орқали 180 кун олдин ёзма равишда ушбу ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиш хусусида хабардор қилмагани учун битим ўз кучида қолаётган эди.

Маълумки, АҚШ расмий шахсларнинг баёнотларига кўра, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг фаол босқичи 2002 йилдаёқ тузган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамасининг нотасини эътибор билан ўқилса, шунинг асосида мумкинки, Ўзбекистон томони АҚШ Давлат департаменти ва Пентагон раҳбарлигига Хонобод аэродромининг мақоми билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни сўраб бир неча бор мурожаат қилгани таъкидланган. Бунда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг ушбу базадан фойдаланиши Афғонистондаги ҳарбий кампаниянинг яқунлигини билан узвий боғлиқ эканлиги кўзда тутилган.

Аслида Ўзбекистон номи зикр этилган идоралар раҳбарларига олти мартадан кўп мурожаат қилган. Бу мурожаатлар 2002 йил охиридаёқ, яъни Андижондаги воқеалардан анча олдин бошланган. Бироқ, Тан олиш керакки, Америка томони турли баҳоналарни рўқча қилиб, мазкур масалани ҳал этишни амалда пайсалга солиб келган.

Шу боис, Ўзбекистон ҳукуматининг Хонобод аэродромидан Америка контингенти олиб чиқиш тўғрисидаги қарорининг сиёсий сабаблари ҳақидаги таҳминий жамоатчилик онгига сингдиришга бўлаётган уришларни Ўзбекистон-Америка муносабатларидаги вазиятни мураккаблаштиришга иштирокини давом эттириш, бу қарорни Андижон воқеаларига сунъий равишда боғлашдан бошқа нарса эмас, деб баҳолаш лозим.

Қайд этиш жоизки, Ташқи ишлар вазирлиги нотасида Ўзбекистон ҳукумати номидан Ўзбекистон халқаро аксилтеррор коалициядаги фаол иштирокини, шунингдек, халқаро террорчилик, радиокал экстремизм, наркотрафик ҳамда тинчлик ва ҳавфсизликка бўлган бошқа таҳдидларга қарши курашда бундан бунён ҳам АҚШ билан ҳамкорликни давом эттириши таъкидланган.

Шарҳловчи. ("Правда Востока" газетасининг 2005 йил, 3 август сонидан).

«Текширишга ҳаққимиз йўқ»

улардан бири. — Ушбу Фармон бўйича биз сизнинг корхонангизни текширишга ҳаққимиз йўқ. Шунчаки хатдаги далилларни тўри ёки нотўрилигини ўз озингиздан эшитиш учун келдик.

Мен уларни хатдаги далиллар бўйича корхонани ҳар томонлама текшириб чиқишларини илтимос қилдим. Токи, ортиқча шубҳа-гумонларга ўрин қолмасин. Ҳужжатларни кўришди, ишлар билан танишишди, аммо ҳеч қандай камчилик ва нуқсон топишолмади. Шундан кейин улардан бири шундай деди: — Фармон мана шундай ортиқча текширишлар ва оворазгарчиликлар ҳамда асабузгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилаёпти. Ҳеч қандай таъхилотни корхона фаолиятига ноқонуний аралаштириш, кўнгилни тўқ қилиб ишлаш керак.

Ана шу воқеа сабаб Фармон ҳақидаги айрим мулоҳазаларимни билдиришга жазм этдим.

Корхонамиз — кўп тармокчи «Бунёдкор» фирмаси. Номидан ҳам кўриниб турибдики, қурилиш ва монтаж, таъмирлаш корхонанинг асосий вазифаси. Вилоят ҳокимлиги бюромасига асосан катта-кичик бунёдкорлик ишларини амалга оширадим.

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар қўллаб-қувватланганга тўғайли биз ҳам ўтган давр мобайнида анчагина ютуқларга эришдик. Халол меҳнатимиз ва ишдаги сифатининг юқорилиги тўғайли миқозларимиз сони ортди. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлмоқда. Агар шу кунга қадар турли текшир-текширишлар-у, беҳуда вақтни йўқотишлар бўлмаганида бунданча юқори натижаларни қўлга киритар эдик.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, «Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлган каби, бизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий чораларни фақат шун томондан тайинлаш тизимига ўтиш вақти келди». Янги Фармон ушбу сўзларнинг амалий тасдиқидир. Унга кўра тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби йўлга қўйилди.

Энди енг шимариб ишлайдиган, меҳнатга яраша яшайдиган лой келди. Бунга ҳалқат бермоқчи бўлганлар эса қонун олдида жавоб берадилар. Биз ҳам шунга яраша ҳаракат қиламиз. Айни кунда вилоят шаҳар ва туман

ларидаги ўнга яқин ижтимоий аҳамиятга эга биноларнинг қурилиш ва таъмирлаш ишларида 300 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Бундан бунён қурилиш объектлари ва ишчиларимиз сонини янада кўпайтиришни режалаштирганимиз. Ўйлаيمانки, бу саяёҳаракатларимизга ҳеч нарса тўсқинлик қилолмайди. Чунки, қабул қилинган Фармоннинг ҳар бир банди ва сатри тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлайди.

Масалан, Фармоннинг биринчи бандида тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибиде қўллашдан тасвир чоралари — фаолиятни вақтинча тўхтатиш ёки тугатиш, банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш ва ҳоказолар белгиланган. Иккинчи бандида эса бундан бунён тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини фақат белгиланган тартибда давлат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги таъкидланган. Агар солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланса, ишчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кузурдаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти амалга оширади.

Фармонда Бош прокуратура зиммасига яна бир масъулият юкланган. Унга кўра ушбу таъхилот назорат идораларининг мансабдор шахсларини тадбиркорларнинг ҳуқуқларини поймол қилганлиги учун жазолаб, жиноий жавобгарликка ҳам тортади.

Фармонда белгиланганидек, давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органларнинг қонунга зид равишдаги ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари натижасида тадбиркорларга етказилган зарарининг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмида ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг бюджетдан ташқари жағмага маблағлари ҳисобидан қопланади.

Кўриниб турибдики, бундан бунён тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинади. Булар-бўлмас текширишларга йўл қўйилмайди.

Энди ҳамма гап биз тадбиркорларда. Иштиёқ ва масъулият билан енг шимариб ишлаб, мамлакатимиз, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш ўз қўлимизда.

Баҳром ҒОҒУРОВ,
КТФ «Бунёдкор»
корхонаси раҳбари.

Газалкентлик тадбиркор Лолахон Бобохонова «Бўстон» маҳалласида новвойлик цехининг очилишида жонбозлик кўрсатди. «Газалкент нон» ишлаб чиқариш корхонасига қарашли ушбу цехда булка, батон, обинон ҳамда пивзли патирлар ёпилиб, истеъмолчиларга етказилмоқда.

— Хозирча ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланганганимиз йўқ. — деди тадбиркор Л. Бобохонова. — Тез кунларда иш қуввати кенгайиб, турли қандолат ва макарон махсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Хозирча цехда маҳаллада истикомат қилувчи тўрт нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Келгусида улар сони кескин ошади.

СУРАТДА: цехда иш қизгин.

В. ПОРТНОВ олган сурат.



Таълим ва ислоҳот

Онлик ва болаликни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш, қўлаб-қувватлаш, болалар ва ўсимирлар ҳар тарафлама ўйун камол топиши, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш мустақиллик йилларининг энг муҳим вазифасига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат идоралари, жамоат ташкилотларининг бу борадаги устувор вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Қўш, бунчалик эътибор ва ғамхўрликнинг сабаби нимада?

Мамлакатни ривожлантиришнинг мураккаб давларида аёллар ва болалар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож бўғин бўлиб қолаётгани сир эмас. Шу сабаб мустақилликка эришилгандан кейинги дастлабки қадамлардан бири сифатида Ўзбекистонда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ратификация қилинди.

Ушбу босқичида болаларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда вилоятимизда вояга етмаган етим, отаси ёки онаси билан қолган йигирма мингга яқин ўсимирнинг тарбияси, маънавий-жисмоний камолотини давлат ўз зиммасига олди.

Васийлик ва ҳомийлик ташкилотларининг фаолияти изчил йўлга қўйилганлиги ота-онасидан маҳрум бўлган, қаровсиз қолган болаларни аниқлаш, уларни оилаларга ёки давлат муассасаларига жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Фақат шу йилнинг ўзида 165 етим бола оилаларга фарзандликка берилди. 122 нафар ўсимирга васийлик, 48 ўғил-қизга ҳомийлик ўрнатилган. Алохи-

дий-техник базаси муттасил яхшиланаяпти. Бу муассасаларда юзлаб малакали ўқитувчилар, тарбиячилар, тажрибали дефектолог ва психологлар таълим-тарбия ишлари билан шугулланаяпти. Жамоатчиликнинг бу муассасаларга эътиборини шунда ҳам кўриш мумкинки, фақат ўтган олти ой мобай-

Спорт заллари, кутубхоналар ва ошоналар қуриляпти. Буларнинг ҳаммаси етим ёки ота-онасиз қолган болаларга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин мисолidir.

Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаблар ва мактаб-интернатларда ўғил-қизларни касбларга йўналтириш ҳам алоҳида эътиборда. Дурдоголик, тикувчилик, компьютер таълими тўғрақларида улар замонавий касбларни эгаллашмоқда. Бир қатор таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг ўз қарашлари, фикрларини эркин ифодалаш имконияти яратилаяпти. Ҳатто, айрим меҳрибонлик уйларида интернет тармоғига уланмиш имкониятлари мавжуд. Бундай муассасаларда таълим даражасини ошириш, ўғил-қизларнинг маънавий баркамол, муайян касб эгалари бўлиб вояга етишлари учун барча ишлар амалга оширилмоқда. «Сен ёлғиз эмассан» мавзудаги тадбирлар болаларда ўз келажакига ишонч руҳини кучайтириб, уларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга, мустақил ҳаётга тайёрлашга хизмат қилаётди. Махсус таълим муассасаларининг педагог ва тарбиячилари асосий эътиборни ёшларнинг қобилиятларини рўбга чиқариш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратмоқдалар.

Фарида МАМЕДОВА,
вилоят халқ таълими бошқармасининг етакчи мутахассиси.

Болалар ёзи — 2005

Фан ва таълим ходимлари касба уюшмаси Ангрэн шаҳар кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг таълим қулағида мактаб ва коллежларда турли тадбирлар ўтказмоқда.

Ёшлар ўртасида маънавий-руҳий муҳитни шакллантириш, миллий қадриятларимизга хос кайфиятни барқарорлаштириш, фахрийларга, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эътиборни кучайтириш юзасидан амалга ошириляётган ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Булардан ташқари, бола-

ланинг ёзги дам олиш мавсуми ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Республика Вазирилари Маҳкамаси ҳузурдаги болаларни соғломлаштириш ва дам олишларини таъмин этиш бўйича доимий комиссиясининг қарори ижтимоий таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Оромгоҳлар ўқувчилар хизматида

— Тошкент вилоти ҳокимининг 2005 йил 7 июндаги фармойишига биноан шаҳаримиз мактабларида, коллежларида ёзги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилган. — дейди таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Ангрэн шаҳар кенгаши раиси Тоғай Юсупов. — Бунинг учун шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» шаҳар жағмагарлари томонидан фармойишда курсатилганидек, тегишли маблағ ажратилган. Биринчи навбатда соғломлаштириш масканларига кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари жалб этилган. Айниқса, маийий касб-ҳунар коллежи, 26-, 41- ва 43-мактабларда таъхил этилган ёзги оромгоҳларда ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, маъмулий ҳордиқ чиқариши намунали ташкил этилган.

Айни пайтда шаҳар кенгаши жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда республикамиз мустақиллигининг 14 йиллиги шарафига эркаклар ўртасидаги волейбол мусобақалари ўтказилишига ҳозирлик қўрмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Ўзбекка тош отма!

Ўзбекка тош отма, у ҳам, билиб қўй, сеннинг бошинг учун тош жамлаганмас. Азар юртинг узра бўлса бирор тўй, ҳасадда қуюниб, кўз намлаганмас.

Ўзбекка тош отма, билгин, ҳеч қачон — халқим дийринга сўқли боқмаган. Сўрасанг, ҳаттоки, бера олур жон ва сира ҳусумат ўтин ёқмаган.

Ўзбекка тош отма, кўрғонинг топиб, тағига челақлаб заққим қуймаган. Ишқилсанг, сездирмай, устингни ёниб — қўйғали ҳовучлаб тупроқ уймаган.

Ўзбекка тош отма, сенниг қадрингни миллатим ер билан яқсон қилмаган. Дунёдан кўз юмсанг, санаб қабрингни, қулишни ўзига одат билмаган.

Ўзбекка тош отма, халқим ногаҳон, адашиб шайтонни ошино билмасин. Кўзига қоронғу кўришиб жаҳон, сен каби ношудга жавоб қилмасин.

Ўзбекка тош отма, мен ҳам сенга деб ногаҳон тош йиғиб, жамлаб турмайин. Тинчликни сўймаган, номард душман деб тош отсанг, мен ҳам пайт пойлаб юрмайин. Ўзбекка тош отма!

Нурмат ОТАБЕКОВ.

Ҳушёр ва огоҳ бўлайлик

Терроризм — бутун инсоният тинчлигига таҳдид солиб турган офатлардан бири. Шу боис унга қарши курашда барча бирдек фаол бўлмои лозим.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан Чирчиқ шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган «Огоҳлик — давр талаби» мавзудаги давра сўҳбатиде ана шу ҳақда сўз борди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари қайд этганидек, терроризм ва диний экстремизмга қарши муросисиз курашиш, ёш авлодини ўз Ватани ва халқига садоқат, миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш ҳуқуматимизнинг доимий диққат марказида турибди. Бу борада аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, мулоқот чоғида шу йилнинг 13 май куни Ангрэн шаҳрида рўй берган фожиали воқеаларнинг сабаб ва оқибатлари атрофида таҳ-

КҮРИК-ФЕСТИВАЛЬ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Юқоричирчиқ туманидаги Ийк-ота жамоа хўжалигида "Маф-тункор ранглар дунёси" унинг халқаро бадий кўрик-фестиваль якулланди. Тадбир Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳуқумат хайрия жамғармаси, Бадий академия, Ўзбекистон ноғиронлар жамияти ҳамда "Ёнраг" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Юртимизда ҳар йили истиқлол байрами арафасида ўтказилувчи ушбу тадбирнинг мақсади тиббий кўмакка муҳтож болаларнинг жамиятда ўз

ўрнини топишига имкон яратиш, уларнинг истеъдод қирраларини очиш билан бир қаторда ушбу йўналишда меҳнат қилаётган мутахассислар

ни тиббий реабилитация соҳасида эришилган ютуқлар билан таништиришдан иборат.

Кўрик-фестивалнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ушбу тадбирнинг куйи босқичлари голиблари билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари, Жанубий Корея ва Афғонистондан келган болалар ҳам қатнашди.

Тадбирнинг бу йилги ўзига хослиги шундаки, фестивал доирасида мусикий беллашув ҳам бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган иқтидорли болалар мусиқа санъатининг турли йўналишларида ўз маҳоратини намойиш этдилар.

Тиббий реабилитация муаммоларига бағишланган халқаро семинарда эса соҳадаги

долзарб масалалар ечими атрафлича муҳокама этилди. Кўрик-фестиваль голиблари катта (14 ёшдан 17 ёшгача) ва кичик (7 ёшдан 13 ёшгача) гуруҳ бўйича аниқланди. Биринчи ўрин қашқадарёлик Гўзал Раҳимқуллова ҳамда жиҳазлик Барно Назруллаевага насиб этди. Иккинчи ўринга қорақалпоғистонлик Гулнора Янгибоева ҳамда андижонлик Бобро Мамажонов, учинчи ўринга тошкентлик Денис Дьяченко ва афғонистонлик Аҳмад Мазех сазовор бўлди. Шу билан бир-

га "Ватанга муҳаббат", "Экологик мувозанат учун", "Ўзига хос композиция учун" каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Фестивалнинг мусикий беллашувида биринчи ўринга самарқандлик Феруз Даминов, иккинчи ўринга бухоролик Маъмура Нуруллаева, учинчи ўринга хоразмлик Индира Бобонова лойиқ топилди. Голиблар ва фестивалнинг барча иштирокчиларига ҳолийларнинг совғалари топширилди.

Ў.А.

Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой

ҲОСИЛ УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Ўзани ҳашаротлардан сақлаш муваффақиятининг бирламчи омилдир. Бу жараённи то оғир охиригача давом эттириб, пешона теримиз эвазига бунёд бўлаётган бойлигимизни муҳофаза қилишимиз, ҳосил учун курашмоқимиз шарт.

Шунингдек, вилоятимизнинг турли туманларидаги «Дурдона», «Авазон», «Зиё», «Турон», «Учқун», «Қамолот», «Сарқор», «Уфк», «МГМ» каби қатор фермер хўжаликлари соҳиблари ҳам ҳосил салмоғи ва сифатини ошириш учун барча чора-тадбирларни

ишга солиб, экин ривожига суи бўлган айрим майдонларда эса қўшимча ишловни қўчайтираётганликларини таъкидлашди. Бир сўз билан айтганда, бугун далаларда мўл ҳосилга пухта замин ҳозирланмоқда. Август ойининг дастлабки ўн кунлиги ортада қолаётганига қарамай, ҳали имконият ҳам, муддат ҳам бор. Демакки, асосий ишлар олдинда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТДА: «Оққўрғон» тажриба хўжалиги пахтакорлари зараркунандаларга қарши кескин курашмоқдалар; пудратчи Қархон Бойжигитовнинг пахта даласида мутахассис-энтмологлар Сафарали Сафаров, Икром Қоробоев ҳамда лаборантлар Рохат Шокирбоева, Нишона Тўхтамишева, Феруза Нурбоева зараркунандаларга қарши курашда биологик усулни қўлламоқдалар.

Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Малика Саяко Кўргазма Меҳмони

Айни кунларда Кунчиқар мамлакатининг Аичи префектурасида бўлиб ўтаётган «Экспо - 2005» халқаро кўргазмасида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этмоқда. Яқинда кўргазманинг Ўзбекистон экспозициясига Япония импортери Ҳазрати олиялари Малика Саяко таъриф буюрди. «Табиат ўнгитлари» широи остида ўтаётган ушбу нуфузли халқаро тадбирнинг дастлабки кунлариданқў Ўзбекистон экспозицияси кўпчилигининг диққатини ўзига тортган эди. Чунки у халқимизнинг бай тарихи, маданияти, урф-одатию бебаҳо қадриятлари ҳамда мамлакатимизнинг мустакил ривожланиш йиллари давомида кўлга киритган улкан муваффақиятларини ўзига яққол муассас этган. Шу боис «Экспо - 2005» таълабларига тўла жавоб берган мамлакатимиз экспозицияси 120 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этаётган ушбу халқаро анжуманининг бронза медалини кўлга киритди.

«Жаҳон» АА.



ва сифатидан қониқиш ҳосил қилмоқдалар.

— Салкам 90 гектар майдонда пахта етиштирмоқдамиз, — дейди оққўрғонлик фермер Абдумалик Каримов, — ўтган йили давлатга 215 тоннадан зиёд пахта сотишга, ҳосилдорликни 32 центнердан оширишга муваффақ бўлдик. Албатта, деҳқончиликнинг ҳам ўзига хос ноқик, мураккаб ва машаққатли томонлари кўп. Деярли ҳар мавсумда табиий равиш-

да бирор ноқулайлик туғилади. Боиси, даланинг томи, табиатнинг бурови йўқ. Айтмоқчиманки, кўлга кетмон тугган деҳқон даласига умид ва меҳр билан муносабатда бўлиши, ҳар қандай қийинчиликларга аввалдан тайёр туриб, уларни бартафак этиши, шариотдан чиқа билиши, шунга интилиши керак.

Хўжалигимиз аъзолари билан ҳар қандай хавф-хатардан огоҳ бўлиб, бу йил ҳам пахтачиликда озимизни ёруғ қилишга аҳд қилганмиз. Мақ-

садимиз ҳосилдорликни 35 центнерга етказишдир.

— Дарҳақиқат, катта мақсадни қўзлаган пахтакор отни қамчилиши керак, — дейди бекободлик фермер Абдуҳоллик Жабборов. — Август — ўза ҳосилга ҳосил қўшиш ойидир. Ҳозир қилинган ҳар бир сифатли агротехник тадбир катта самара келтиради. Шу билан бирга бу йилги об-ҳаво шароити турли зараркунандаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун ҳам қўлайлик туғдирмоқда.

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Хизмат турлари кўпаймоқда

Бекобод шаҳридаги «Чермет» акциядорлик компанияси кўп тармоқли ҳусусий ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, 1993 йилдан бунён аҳолига машина ва тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли лицензиясига эга бўлган тиббий-таъхис маҳлакат маркази фаолият юритмоқда. Бу эса шаҳарнинг Акмал Икромов, Муҳаммадов, «Ўзбекистон», Жомий ва Шодмон Қўзибоев маҳалалари аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишда кўл келаяпти.

Марказ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб бормоқда. Маскандар рентгенография, гинекология, ультратовуш хизмати, электрокардиограмма (ЭКГ) диагностика хизмат орқали юрак хасталиклари бўйича таъхис қўйиш ва компьютер ёрдамида таъхис жавобларини аниқлаб бериш каби қўлайликлардан фойдаланиши мумкин. Булардан ташқари биохимик лабораторияда анализларнинг барча тури бўйича хулоса берилади, шунингдек, стоматология хизмати, хирургия-жарроҳлик йўналиши бўйича зарур маслаҳатлар ҳам олиш мумкин. Ота-оналар ўз фарзандларини таъхирли болалар шифокорига кўрсатадилар. Шифокор-терапевт эса шу ернинг ўзида таъхислар бўйича муолажа ўтказди. Марказда таъхирли, би-

лимдон, фидойи инсонлар меҳнат қилишади. Жарроҳ Нодиржон Қодиров, гинеколог Уройи Зокирова, тиш шифокори Рохатқул Эсонов, лаборант Адолат Ибрагимов, ҳамширалардан Светлана Ким, Людмила Ишбулдирлар меҳнати таъхисга сазовор. Улар беморларга намунали хизмат кўрсатишга интилоқдалар. Бу борада уларга замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдам бермоқда. Айни вақтда бундай мосламаларнинг янги-ларини ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилоқда. Чунончи, бош мия фаолиятини текшириш ва нуқсонларини аниқлаш мақсадида электрооциллография, ошқозон-ичак касалликларини аниқловчи, хорижда ишлаб чиқарилган эндоскопия аппаратлари сотиб олиш билан боғлиқ

масалалар ҳал этилди. Шунингдек, амалиётда қўлланаётган аппаратлар ўрнига замонавий тиш даволовчи асбоб-ускуналар олиб келинади. Корхонада аҳолига яна бир қўлайлик яратиш мақсадида ИПОТЕКА банкнинг омонат кассаси очилди. Аҳолидан коммунал, тиббий ва бошқа хизматлар учун пул тўловлари шу ернинг ўзида қабул қилинмоқда. Яқин атрафдаги маҳалаларда истиқомат қилувчи оилалар ўзларидан анча узоқда жойлашган банкарларга боришдек овозагарчиликдан халос бўлдилар.

«Чермет» акциядорлик компанияси раҳбари Анварбек Йўлдошев тадбиркорлик давр талаби эканлигини тушуниб етган. У доимо жамоасини изланувчанликка, янгиликка интилиб яшашга даъват этади. Корхонага қарашли бинонинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, унинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида келгусида мини цехлар очиш ҳам рехалаштирилган. Чунончи, бичиш-тиқиш, пандалик, сартарошлик, машиий хизмат асбобларини

таъмирловчи усталар тайёрлаётган ўқув маркази ишга туширилади. Корхонанинг молиявий-иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш, даромадини ошириш мақсадида Бекобод тумани ҳудудида ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Бу ерда зарур озуқабоп экинлар экилиб, қорамоллар боқилади. Ер-

дамчи хўжалиқдан тушган даромад эса «Чермет»нинг молиявий имкониятларини яхшилайд.

Корхонада амалга оширилаётган хайри ишларнинг барчаси истиқлолимиз, мустакиллигимиз яратиш берган имкониятлар шарофатидандир.

Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ.
СУРАТДА: жарроҳ Нодиржон Қодиров иш устида. Муаллиф олган сурат.



ЎЗИ АСОРАТЛИ, ОҚИБАТИ АЯНЧЛИ

Гижжа бошқа организмлар ҳисобига текнхўрлик билан яшовчи қувалчан бўлиб, инсон ва ҳайвонлар соғлиғига катта зиён етказида. Ҳозирги пайтда фанда унинг 260 тури ўрганилган. Велотимизда гижжонинг остирица, аскаринда, покана гижжа, қилбош каби турлари учрайди. Гижжа билан касалланган бемор одам ёки ҳайвон бу дардин торқатувчи асосий манбага айланади. Касаллик асосан ифлос қўллар ва буюмлар орқали юқди. Унинг тарқалишига пашшалар ҳам сабаб бўлади.

Ун тўрт ёшгача бўлган болалар бу касалликка чалинишга кўпроқ мойил бўлади. У ичакларда ривожланиб, тукум қўяди. 15-20 кунда етилади, ўзи юзлаб тукум муҳитга чиқиб, теварак-атрофини ифлослантиради. Гижжалар одам организмиде захарловчи модда ишлаб чиқаради. Ундан асаб, метаб-ичак фаолияти шикастланади. Бош оғриқ, бевозталиб бошланади, ҳолсизлик, шевозталиб бошланади, ҳолсизлик сезилади. Говида инфезел-тик туҳаноклар ҳам рўй бериши мумкин. Кўнгил айниб, иштаҳа бўғилади. Териде тошмалар ва доғлар пайдо бўлади, соч туқилади. Қоринда оғриқ пайдо бўлиб, ич кетади.

Бу касаллик камқонликни келтириб чиқариши мумкин. Умуман, бу пайтда организмнинг бошқа касалликларига қарши кураши, иш қобилият

ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Бутун бочқада байрам. Болалардан бирининг онаси турли пиширилор, қандолат маҳсулотларини бир тоғора қилиб ташлаб кетди. Нонушта вақтида болаларни «кромли заварно» билан сийлашди. Тарбиячи билан энага ҳам тўйиб еб олишди. Бироз вақт ўттич, майдондада ўйноб ўтирган болалардан бирининг мазаси қочиб, қайт қида бошлади. Шошиб қолган тарбиячи ҳамширанинг олдига чопди, ҳамшира етиб келгунинга яна бир бола қоринни чангаллаб ўтириб қолди. Бошқа болаларда ҳам шу қайт такрорлана бошлади. Зудлик билан «тез ёрдам» чақирилди.

Бу воқеа туманлардан биридаги болалар богча-сида содир бўлди. Тиббиёт ходимлари ҳамда санитария-эпидемиология назорати маркази ходимларининг тевкор чора-тадбирлари ва «бахтли тасо-диф» туфайлигина муҳдис ҳодиса содир бўлишининг олди олинди. Хўш, бунга сабаб нима? Ўтган ҳафтадаги тўйдан қолган пиширилор богчага олиб келинганда бу ҳол содир бўлмасди. Ёз мавсумида ичак инфециялари билан касалланиш кўпаймоқда. Беморларнинг 80 фоизи икки ёшгача бўлган болалар, 12 фоизи катта ёшдагилар. Ичак касалликларини чақирувчи микроблар ташқи муҳитга жуда чидамли бўлади. Улар судда 35 кун-

гача, гўшда 50 кунгача сақланади. Дизентерия бакте-риялари сут ва сут маҳсу-лотларида жуда тез кўпая-ди. Ёз кези ифлос сувда чўмилиш ниҳоятда хавфли-дир. Янги узилган мөва ва сабзавотларни яхши ювмай истеъмол қилганда, шунингдек, сувни қайнатмай ичганда касаллик юқиши мумкин. Пашшалар ҳам ичак инфецияларининг тарқалишида катта роль ўйнайди. Дизентерия билан касалланган икки ёшгача бўлган болалар ўртасида, айниқса, кўп учрайди. Бу касалликнинг болалар жамоасида пайдо бўлишида «ифлос қўл» биринчи ўрин-да туради. Касаллик юққандан сўнг яширин давр 4 соатдан 24 соатгача давом этади, баъ-

зан бу муддат 2-3 соатгача қисқаради. Бемор ҳолсизла-ниб, боши оғрийд, ланж бўлади, иштаҳаси йўқолади, харорати кўтарилди. Қорни-да оғриқ бошланади, кетма-кет қусад, ич кетади. Касаллик аломатлари бошланганда зудлик билан даво чораларини бошлаш зарур. Бунда беморга кўп су-юқлик ичириш, гуруч қайнат-масини истеъмол қилиш, врач муолажаларини тўлиқ бажариш лозим. Ўз-ўзини даволашга уриниш, тиббий ёрдамга кечикиб бориш ҳам гоҳо янгили оқибатларга олиб келиши мумкин.

Болаларимиз турли сув ҳавзаларида чўмилишга йўл қўймаслик, мөва ва сабзавот-ларни доим ювиб истеъмол қилиш, устини дока билан ёпиб қўйиш, қўлни мунтазам совунлаб ювиш, дуч келган жойда овқатланмаслик, кеч-гача офтоб тигида қизиб ётган морс, квас, ўрик шар-батини ичмаслик, касаллик тушуви пашшани аёвасиз қириш касалланишдан сақ-ловчи асосий омиллардир.

Дилдорахон МИРАҚБАРОВА,
врач-эпидемиолог.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ! ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАРИ

Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси

Худудий танлов комиссиясининг 2005 йил 18 июлдаги баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шартли бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ўтказилиш кун: 2005 йил 6-14-27 сентябрь соат 11.00 да
Утказилиш жой: Тошкент вилоят ҳокимияти Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.
Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:
Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:
А) ариза ҳужжатлар тўплами;
Б) техник ишлаб чиқариш таклифлари бўйича ҳужжатлар тўплами;
В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қўйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:
1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк қароват хати);
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг қиритилиш муддатлари;
4. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).
Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар иловаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига топширилад.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқи ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари катнашишлари мумкин. Танлов иштирокчи-ларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кундан уч кун аввал тўхтатилади.

Инвестиция мажбурияти эвазига бепул бериладиган давлат объектлари рўйхати:

Т/р	Корхона ва объект номи	Жойлашган жой (тум. шах.)	Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкчилик маҳжум тарафидан бериш тартиблари	Танлов шартлари		
				Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятининг бажарилиш муддати, йил
1	«Инфекцион касалликларнинг эски биноси»	Янгиёул тумани	Тўлиқ, мулкчи мажжум тарафда	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	50,0	1 йил
2	«Туберкулёзга қарши диспансернинг эски ҳисобхона биноси»	Ўртачирчиқ тумани	Тўлиқ, мулкчи мажжум тарафда	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	8,0	1 йил

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилинишга мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси.
Тел: 132-06-76, 133-67-22, 133-78-75, 133-08-65.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005-2006 йиллар давомида давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-20-сонли қарорига мувофиқ, паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ноғор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвесторлар инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича Тошкент вилоят худудий танлов комиссияси, 2005 йил 18 июль кун ўтказилган танлов натижаларига қўра

- Тошкент вилояти Бўка туманида жойлашган «Бўка туман босмаханаси»нинг давлат активи бўлиб, ун тўрт ой муддат ичиде жами 80000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган «Бўстонлик туман босмаханаси»нинг давлат активи бўлиб, ун етти ой муддат ичиде жами 60000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида жойлашган «Юқоричирчиқ туман босмаханаси» маъсулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат активи бўлиб, бир йил муддат ичиде жами 17500 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Олмалик шаҳрида жойлашган, «Олмалик шаҳар троллейбус босмаханаси» давлат корхонаси бўлиб, икки йил муддат ичиде жами 150 000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, А. Темури кўчасида 3-уйда жойлашган, умумий майдони 291,86 кв.м бўлган нотуражой биноси — давлат объекти бўлиб, бир йил муддат ичиде жами 8000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Оққўрғон туманида жойлашган «Мафтуна» ОАЖнинг 74 фоиз давлат активи бўлиб, икки йил муддат ичиде жами 1600000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Пархент туманида жойлашган, «Қорақалпоқ маданият уйи» — давлат объекти бўлиб, бир йил муддат ичиде жами 35000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчасидаги 100А-уйда жойлашган, умумий майдони 250,9 кв.м бўлган нотуражой биноси — давлат объекти бўлиб, бир йил муддат ичиде жами 9000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш;
- Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида жойлашган, «Ийк-ота» кундузги стационар биноси — давлат объекти бўлиб, бир йил муддат ичиде жами 10000 минг сўм миқдориде инвестиция қиритиш мажбурияти билан инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади.

Янгиёул шаҳридаги 17-урта мактаб томонидан 2005 йил 17 июнда Мирзақаримов Азамат Анаварович номига берилган У 1579562 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгиёул шаҳридаги 17-урта мактаб томонидан 2005 йил 17 июнда Раҳимов Ойбек Мамуржонович номига берилган У 1579565 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утеранные документы за № 3-366, 1613666864, выданные в 2003 году на ЧФ «Пластик» Зангиантинского района Ташкентской области, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**



КҮМАККА МУҲТОЖ БАТИСКАФ
КАМЧАТКАда ичиде етти киши бўлган батискаф чўкиб кетди.
Аппарат ичидеги одамлар тирик, ундаги соф ҳаво захираси яна бир кеча-кундузга етади, дея маълум қилди Россия Федерациясининг шимоли-шарқдаги қўшнлар ва қўлар гуруҳи вакили. Сув ости қурилмаси Камчаткадаги Петропавловскдан 75 километр наридаги Березова бухтасида тахминан 200 метр чуқурликда ётибди.

ОПА-СИНГИЛ АЙБЛАНМОҚДА
ЛОНДОНда юз берган террорчилик хуружлари бўйича ўтган кун икки айбловлар эълон қилинди.
Энди Буюк Британия пойтахти жанубида истиқомат қилувчи опа-сингил Веншимет ва Мулойимбет Жирма айбланмоқда. Улар мазкур хуружга дахлдор кимсаларни тутишда кўмак бериши мумкин бўлган маълумотларни полициядан яширганлиқда гумон қилиниш айтипти. Муқаддам Исмоил Абдурахим исмли шахсга ҳам айнан ана шундай айб қўйилганди.

ЎРИНЛАР НАРХИ БАЛАНД
НЬЮ-ЙОРК фонд биржаси — NYSEдаги савдо ўрни мисли кўрилмаган нархда сотилди.
Харидор мазкур жой учун 3 миллион доллар тўлаб, шу тариқа бундан олти йил муқаддам амалга оширилган, шу пайтгача рекорд саналиб келинаётган тўлов натижасини орта қолдирди. NYSE Archipelago Holding компаниясини сотиб олиш ҳақидаги режаларини эълон қилгач, биржадаги савдо ўринлари деярли икки баробар қимматлашди.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ПАНД БЕРДИ
CNN телешарҳловчиси Роберт Новак сўкинган ва ноурин хатти-ҳаракатлари учун эфирдан четлатилди.
Машамашага сабаб ҳолат пайшанба кун «Inside Politics» кўрсатуви тўғрисида-тўғри эфирга узатилаётган пайтда юз берди. Журналист бундай жанжал марказида биринчи марта пайдо бўлаётгани йўқ. Марказий разведка бошқармасининг мафхий агенти Валери Плей исми ва манзилни ҳам айнан у фож этганди.

Ёзувчилар уюшмасида ўзига бино кўйган, инжиқ бир ёзувчининг янги асари муҳокама бўлиши керак экан...

Ҳақида билганича сўзлади. Муаллиф минбардан кўзини узмайдди, ҳар нотикада лўқма ташлаб, ўзини ёқлайди...

қурдирар эди. Мехмон келса, бошини эгиб ўтишга мажбур бўларди, акс ҳолда пешонасини эшикка уриб гурра қилар эди...

У пайтлар ажиб замонлар экан. Президентда мажлиси бошқарувчию, яна битта котиба бўлар, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби алломалар ҳам пастда...

ла Қаҳҳорга! деган садо янгради. Абдулла ака одатига қура, шовмай кўзгалди, аста-аста юриб минбарга чиқди.

— Фалончиев шунча вақтини сарфлаб китоб ёзди. Хайф, умр, хайф қалам-қоғоз! Бугун аср боши эмас, хатто 30-йиллар ҳам эмас...

У пайтлар ажиб замонлар экан. Президентда мажлиси бошқарувчию, яна битта котиба бўлар, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби алломалар ҳам пастда...

— Биз ёш вақтимизда Кўконда пакана Махсум деган киши бўларди. Шу Махсум иморат солса, эшитгани ўзининг бўйига мослаб

— Фалончиев шунча вақтини сарфлаб китоб ёзди. Хайф, умр, хайф қалам-қоғоз! Бугун аср боши эмас, хатто 30-йиллар ҳам эмас...

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

ЧЕМПИОНАТГА ТАЙЁРГАРЛИК

Шу йилнинг 20-22 май кунлари Ўзбекистон спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича Осиё очиқ чемпионати ўз қилибларини аниқлаган эди.

Келгуси йилнинг март ва апрель ойларига жаҳоннинг энг кўзга кўринган чарм кўлоқ усталари Тошкент рингларида ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

«ПАХТАКОР» — ОСИЁДА УЧИНЧИ!

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси — IFFHS дунёдаги энг кучли 350 футбол клубининг рейтинг жадалини эълон қилди.

Мазкур рейтинг футбол жамоаларининг сўнгги 12 ой давомида миллий чемпионат, мамлакат кубогини, қитъа ва қитъалараро мусобақаларда ўтказган ўйинлари натижаси асосида тайланди.

- ДУШАНБА, 8 «Ўзбекистон» 6.55 Қўрсатувлар дастури. 7.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

- 17.45 «Индаб». 17.50 Мулҳазиллақ. 18.30 20.00, 21.40, 22.20 «Поитхат» ахборот дастури.

- 18.50 Мафтунингман, диёрим! 18.55, 21.55 Икким. 19.00 Давр. 19.40 Ишга марҳамат!

- СЕШАНБА, 9 «Ўзбекистон» 6.55 Қўрсатувлар дастури. 7.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

- 17.00 «Хабарлар» (рус тилида) 17.15 «Подари мне жизнь».

- 18.30 «Мари Кюри». Бадий фильм. 3-қисм. 19.20 «Ўзлото». Телелотерея.

- 17.20 Қўрсатувлар тартиби. 17.30 Болтажонлар экранни. 17.50 ТВдада сериал: «Индаба».

- 17.20 Қўрсатувлар тартиби. 17.30 Болтажонлар экранни. 17.50 ТВдада сериал: «Индаба».

- 18.30 «Мари Кюри». Бадий фильм. 3-қисм. 19.20 «Ўзлото». Телелотерея.

Хотирот

Мамлакатимиз матбуот олами яна бир «ижтимоий-маърифий, дам олий газетаси» билан бойиди. «40+»нинг дастлабки сони осод ойининг биринчи кунлари ўз ўқувчилари қўлига тегди.

Янги газета

Янги газетанинг таҳрир ҳайъати ўз олдига «кўпроқ ҳаётий ҳақиқатлар ҳақида ҳикоя қилувчи, бироз зерикканда шахмат диаграммаларига жалб этувчи, табиат мўъжизалари, овчилик сўқмоқлари ва яна бошқа кўплаб ҳолатлар ҳусусида мақолалар ҳол этувчи газета» чиқариш вазифасини қўйган.

Унинг дастлабки сони саҳифаларида «Тошкент ҳақиқати»дан чиққан чолларнинг ҳикमतлари билан танишиб, «Журналист жаннати бўладими?» саволига жавоб топасиз, фолбин жиннинг оғайниси эканлиги ҳақидаги мақолани ўқийсиз.

«Бу тандирга ёпилган нон роса мазали бўлса керак...!» Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.



Янги газетанинг таҳрир ҳайъати ўз олдига «кўпроқ ҳаётий ҳақиқатлар ҳақида ҳикоя қилувчи, бироз зерикканда шахмат диаграммаларига жалб этувчи, табиат мўъжизалари, овчилик сўқмоқлари ва яна бошқа кўплаб ҳолатлар ҳусусида мақолалар ҳол этувчи газета» чиқариш вазифасини қўйган.



«Бу тандирга ёпилган нон роса мазали бўлса керак...!» Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

Кўриқхонада музей

Мамлакатимизнинг ноёб табиий ҳудудлари бисёр. Фарбий Тяньшан тоғларининг юртимизда туташ ҳудудда ташкил этилган Чотқол биосфера давлат кўриқхонаси ана шундай бетақдор масканлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Глобал экологик жамағатнинг Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини асраш бўйича Марказий Осиё чегаралараро лойиҳаси миллий бўлими ташаббуси билан у ерда янги музей ташкил этилди.

Мусаввирларнинг кўргазмаси

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройида юртимиз мусаввирларининг «Фирқ» деб номланган кўргазмаси очилди.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МУАССИСИ: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Шалефоллар: Хатаф ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълолар: 133-58-85, 136-53-54. Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тирилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.